

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

МАМБЕТКАДИРОВ ҒАЙРАТБАЙ АМАНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИ
(XX аср 60-йиллари - XXI аср бошлари)**

17.00.04 – тасвирий ва амалий-безак санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мамбеткадиров Гайратбай Аманбаевич

Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг шаклланиши ва ривожини (XX аср 60-йиллари - XXI аср бошлари)3

Мамбеткадыров Гайратбай Аманбаевич

Формирование и развитие скульптуры Каракалпакстана (60 гг. XX – нач. XXI в.)25

Mambetkadirov Gayratbay Amanbaevich

Formation and development of the sculpture of Karakalpakstan (the 60's of the XX - beginning of the XXI centuries)47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works50

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

МАМБЕТКАДИРОВ ҒАЙРАТБАЙ АМАНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИ
(XX аср 60-йиллари - XXI аср бошлари)**

17.00.04 – тасвирий ва амалий безак санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2. PhD/San13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Санъатшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.fineartins.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: **Ҳакимов Акбар Абдуллаевич**
санъатшунослик фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги

Расмий оппонентлар: **Қодирова Дилафруз Мухсиновна**
санъатшунослик фанлари доктори


Пулатов Дилмурод Саймамутович
санъатшунослик фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Камолиддин Бехзод номидаги**
Миллий рассомлик ва дизайн институти

Диссертация ҳимояси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. San.51.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2.
Тел.: (+99871) 239-46-67, факс: (+99871) 239-17-71, e-mail: siti1928@mail.ru)

Диссертация билан Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (+99871) 339-46-67).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “___” _____даги № _____ реестр баённомаси).



Т. Б. Гофурбеков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Н. Г. Каримова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, санъатшунослик фанлари номзоди,
катта илмий ходим

И. А. Мухтаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий жаҳон санъатида рўй бераётган глобал ўзгаришлар санъатнинг кўплаб тушунчалари ва бадиий мезонларини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Постмодернизм санъатнинг етакчи фалсафаси сифатида визуал санъатда инсталляция, перформанс, видео-арт каби янги шакллар ва жанрларнинг таркиб топишига олиб келди. Бадиий онгдаги туб ўзгаришларни назарда тутган ҳолда, тасвирий санъат соҳасидаги жараёнларнинг мумтоз шакллари ўрганиш жаҳон санъатшунослигининг долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу фикр жаҳондаги турли минтақа ва давлатлар дастгоҳли ва маҳобатли ҳайкалтарошлик соҳаси тадқиқотлари учун ҳам тегишлидир.

Ўзбекистон санъатшунослик илмида минтақавий ҳайкалтарошлик мактабларининг шаклланиши ва тарихий тараққиёт босқичларини ўрганиш устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Уларнинг бадиий хусусиятлари ва маҳаллий ўзига хослигини сақлаш, келажакда шаҳар муҳитини гуманизациялаштиришда ҳайкалтарошликнинг ўрни ва бадиий тажрибасини янада бойитишни назарда тутди. Етакчи ҳайкалтарошлар ижодида миллий ўзига хосликнинг акс эттирилиши билан кенгроқ таништириш мақсадида, улар асарларини ёритиб бориш ва тарғиб қилиш масалалари ватанимиз санъатшунослигининг долзарб вазифаларидан биридир. Санъатшуносликдаги мазкур барча жиҳатлар тўлиқ равишда қорақалпоғистонлик ижодкорлар томонидан яратилган ноёб, ўзига хос миллий ҳайкалтарошлик мактабига ҳам тааллуқлидир.

Миллий тасвирий санъатнинг ривожиди ва бадиий маданиятимизнинг хорижий давлатларда тақдим этилишида Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлари Ўзбекистон ҳайкалтарош усталари билан бир қаторда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Мустақиллигимиз шарофати билан Россия, Бельгия, Озарбайжон, Япония, Миср, Хитой давлатларида буюк тарихий шахсларимизнинг маҳобатли ҳайкаллари ўрнатилди. Уларнинг ютуғи бизнинг миллий кадриятларимизга, тарихимизга халқаро ҳамжамиятнинг чуқур ижобий хурмати шаклланишига имкон беради.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги истиқболли ривожланиш босқичларини бошидан кечирди, халқимиз табиатини, феъл-атворини, миллий бойлигининг муҳим жиҳатларини очишда ўзига хос ижодий муваффақиятларни қўлга киритди. Санъатнинг бошқа турларида бадиий жараёнлар, ўзгаришлар, силжишлар ҳайкалтарошликни янада ривожлантиришга асос бўлмоқда. Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини санъатшуносликда илмий асослаш назарий ва академик аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, ёш авлодни ўз халқи

маданияти ва санъатига хурмат руҳида тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу иш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сонли “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сонли “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид ҳужжатлар ижросини таъминлашда маълум даражада хизмат қилади.¹

Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлари ижодини пластик янгиланишлар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, тарихий ва реал воқеликни бадий идрок этиш борасидаги ижобий ўзгаришларини, ҳайкалтарошликнинг ривожланиш йўллариини санъатшунослик нуқтаи назаридан умумлаштириш, юқорида келтирилган ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган вазифалар кесимида ўрганиш диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруратини таъминлайди.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги миллий маданиятимизни тиклаш ва ривожлантириш масалаларига оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий - методологик асос бўлиб хизмат қилди².

Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги санъатшунос олимлар Р. Такташ³, А. Ҳакимов⁴, Г. Бабажанова⁵, А. Умаров⁶, А. Алламуратов⁷, Т.Уразимова⁸лар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2017 «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. – 2017, 1 июнь; Постановление Президента Республики Узбекистан от 16.08.2017 «О дополнительных мерах по развитию и дальнейшему совершенствованию деятельности Академии художеств Узбекистана» // Народное слово. – 2017, 17 августа.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидийтаҳлил, қатъийтартиб-интизом ва ахсий жавобгарлик – ҳарбир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлишикерак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажғимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

³ Такташ Р.Х. Жулдасбек Куттымуратов. – Ташкент: Гафур Гулям, 1985. - С.54.

⁴ Ҳакимов А.А. Современная декоративная пластика республик Средней Азии. – Ташкент, 1992. – С. 98.

⁵ Бабажанова Г. К проблеме регионализма художественной культуры Средней Азии // Архитектура и искусство Ближнего и Среднего Востока // Сборник научных статей. – Баку: Ылым, 1989. – С. 11-12.

⁶ Умаров А. Новые рубежи искусства Узбекистана // Искусство. – Москва, 1972. – №2. – С. 29-34.

⁷ Алламуратов А. Из истории искусства Каракалпакии // Неделя каракалпакского искусства и литературы в Узбекистане. Нукус: Каракалпакстан, 1968. – С.63.

⁸ Уразимова Т.В. Претворение традиционного национального художественного наследие в произведениях каракалпакских художников.: Автореф. дис. ... канд. иск. – Ташкент: НИИ искусствознания, 1993.

томонидан ўрганилган. Жумладан, ушбу муаммо Р.Такташнинг “Станковая скульптура Узбекистана 1960-1980-х годов” ва “Жулдасбек Қуттимуродов” номли китобларида ўрганилган ва тадқиқ этилган.⁹

Р.Такташ Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлари ишларига юқори баҳо берар экан, Ж.Қуттимуродов билан бирга Д.Турениязов, А.Атабаев каби ёрқин истеъдодли ҳайкалтарошлар ижодий услуби ва нафисликни ўзида уйғунлаштирган ҳолда маълум даражада ўзида графика ва нақш элемент (унсур)ларга ҳам яқинлашганликларини қайд этади. Масалан, тасвирнинг таъсирли чиқишига эришмоқ учун Д.Турениязов ўз асарларида кўпинча кескин умумлаштиришлардан изчил фойдаланади. Шунингдек, Ж.Қуттимуродов ижодига бағишланган монографиясида Р.Такташ шундай ёзади, - Жулдасбек ижоди халқчиллик руҳи билан йўғрилган. Унинг ижоди қорақалпоқ ва ўзбек маданияти, этнографияси ва халқ ижоди заминидан пайдо бўлган таасуротлари ва қудратли образларидан озиқланади. Қорақалпоғистон санъат музейида ишлар экан, Ж.Қуттимуродов қорақалпоқ, қозоқ халқлари амалий санъатини, қадимий Хоразм моддий маданияти ва санъати, ҳозирги замон тасвирий санъати, ҳайкалтарошлик ва графика намуналарини синчиклаб ўрганади. И.В.Савицкий ва унинг сафдошлари томонидан тўпланган ва эҳтиёткорлик билан сақланаётган асарлар Нукус Давлат санъат музейининг олтин захирасидан ўрин олган. Ж.Қуттимуродов бир қанча қорақалпоқ халқ усталарига шогирд тушади, бир неча муддат уста Саид Ниёз хонадонидан яшаб, мусика асбобларини тайёрлаш сирларидан воқиф бўлади.¹⁰

А.Алламуратовнинг “Қорақалпоғистон тасвирий ва амалий санъати” китобини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. Мазкур китобда А.Алламуратов Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг бадиий ўзига ҳослигини ўрганар экан, асарларнинг ғоявий мазмуни ва ҳайкалтарошларнинг ижодий изланишлари муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратган.¹¹ 1980-90 йиллардан кейинги давр Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги бўйича айрим мақолалардан ташқари китоблар ёки рисоалар нашр этилмаган. 2000 йилларда санъатшунослар П.Хожаметова¹², А.Эгамбердиев¹³, Т.Уразимова¹⁴лар томонидан соҳага оид маълумотлар вақтли матбуотда эълон қилинган, илмий ахборот шаклидаги мақолалар, каталоглар чоп этилган. Маълумотларнинг катта қисмини оммавий ахборот воситалари орқали олиш мумкин. Мисол тариқасида, санъатшунос Т.Уразимова ўз мақоласида ҳайкалтарош Ж.Қуттимуродов ҳақида шундай

⁹ Такташ Р. Станковая скульптура Узбекистана 1960-1980-х годов. Ташкент, 1989; Такташ Р.Х. Жулдасбек Куттимуродов. – Ташкент: Гафур Гулям, 1985. - С.54.

¹⁰ Такташ Р.Х. Жулдасбек Куттимуратов. – Ташкент: Из-во Гафура Гуляма, 1985. – С.15-16.

¹¹ Алламуратов Ж.А. Развитие культуры Каракалпакистана в 70-90-е годы XX века. – Нукус: Билим, 1997.

¹² Хожаметова П. Денгиз чекинмоқда (Қорақалпоқ рассомлари асарлари кўргазмаси) // San’at. – Тошкент, 2004. – №1. – Б. 21-22.

¹³ Эгамбердиев А. Серкирра ижодкор//Тошкент окшоми. 16.11.2005. – Б.4.

¹⁴ Уразимова Т. Национальные традиции в скульптуре Каракалпакстана // San’at. Ташкент, 2014. - № 2. - С. 19-20.

ёзади: - “Ж.Қуттимуродов асарларида ҳайкал ва халқнинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурлари уйғунлашуви ўзгачадир Д.Турениязов, Д.Тажимуратов, А.Сейтимбетов ҳайкалларида халқ ёғоч ўймакорлиги санъати сарчашмалари ва ўтов архитектуроникуси мужассам. А.Атабаев ижодига хос пластик шакллар, кўлам ва ритмика айнан шарқона (хусусан, Ўрта Осиё минтақасига оид) халқ ҳайкалтарошлиги санъати мотивларига мойиллик устун. Ж.Қуттимуродов, Д. Турениязов ва Д.Тажимуратовлар асарларида шакл майинлиги, кўлам ва ритмнинг сокин чизгиларда ифодаланиши хусусиятлари кузатилса, А.Атабаевнинг ишлари пластикаси аниқ, гоҳида кескин, ҳатто конструктив шаклларда ритмнинг акс этиши билан ажралиб туради”¹⁵. Илмий мақолаларда Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлари асарлари алоҳида таҳлил қилинган, асосий эътибор бирмунча таниқли усталар – Ж.Қуттимуродов ва Д.Турениязовлар ижодига қаратилган. Аммо ҳозирга қадар Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги тўлиқ равишда махсус ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши ЎзР ФА Санъатшунослик институти “Тасвирий ва амалий-безак санъати” бўлими тадқиқотчи – даъвогар гуруҳида бажарилган. Диссертация мавзуси институтнинг илмий-методик фаолиятидаги истиқболли тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг ХХ аср иккинчи ярми ва ХХІ аср бошларидаги шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистоннинг ҳайкалтарошлигининг дастлабки шаклланиш жараёнларини аниқлаш;

ҳайкалтарошлигининг асосий ривожланиш босқичларини белгилаш;

ҳайкалтарошларининг индивидуал ўзига хос хусусиятлари ва ижодий услубларини ифодалаш;

дастгоҳли ҳайкалтарошлиги ривожининг ўзига хослигини очиб бериш;

маҳобатли ҳайкалтарошлигининг ривожланиш босқичлари ва пластик ўзига хослигини белгилаб бериш;

замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошлигининг ривожланиш тамойилларини аниқлаш;

Қорақалпоғистоннинг ҳайкалтарошлиги ривожини муаммосини ўрганиш асосида келажакдаги тараққиёти борасида таклиф ва тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти. Қорақалпоғистонда ҳайкалтарошлик мактабларининг шаклланиш жараёнлари ва ҳайкалтарошликнинг асосий ривожланиш босқичлари.

¹⁵ Уразимова Т. Национальные традиции в скульптуре Каракалпакстана // San'at. Ташкент, 2014. - № 2. - С. 20.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоғистонлик ҳайкалтарош усталарнинг асарлари билан бир қаторда ҳозирга қадар бадиий қиммати кенг эътироф этилмаган дастгоҳли ва маҳобатли ёдгорлик намуналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида тизимли, бадиий жараёнларнинг тарихий-маданий, тавсифий таҳлилидан, бадиий хусусиятларни санъатшунослик кесимида тадқиқ этишнинг қиёсий-танқидий ҳамда илмий хулосаларни умумлаштиришнинг илмий-назарий услубларидан фойдаланилган. Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлик санъати тарихи масалаларига бағишланган ва бадиий тасвир услубларининг ўзига хослигини англашда илмий амалиётда мавжуд санъатшунослик, маданий-этнографик жиҳатларини қамраб олган илмий-назарий тамойиллар ташкил этади. Бунда, таснифий баҳолаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Қорақалпоғистон ҳайкалтарошларининг бадиий услуб жиҳатидан ўзига хослиги И.Савицкий¹⁶, Р.Такташ¹⁷, А.Ҳақимов¹⁸, А.Алламуратовларнинг¹⁹ илмий тадқиқот ишларида Қорақалпоғистон санъати тарихи ва Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги шаклланишининг дастлабки сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий тамойиллари ва ривожининг асосий босқичлари аниқланган;

дастгоҳли ва маҳобатли ҳайкалтарошликнинг бадиий хусусиятлари асосланган;

миллий ҳайкалтарошлик мактабининг шаклланишига маданий мерос ва халқ ижодиёти анъаналарининг кўрсатган таъсири исботланган;

Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлари ижодида реалистик ва метафорик услубларнинг ўзаро таъсирлануви масаласи очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон ҳайкалтарошларининг XX аср 60-йиллари - XXI аср бошларидаги шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари, ҳайкалтарошларнинг ижодий изланишлари илк бор махсус тадқиқ этилди;

Ўрганилаётган давр Қорақалпоғистон тасвирий санъатида ҳайкалтарошликнинг ўрни замонавий усуллар нуқтаи назаридан илмий асосланиб, янги давр нигоҳи билан баҳоланди;

тадқиқот хулосаларида Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги ривожига доир янги бадиий тамойиллар ва пластик хусусиятлар илк бор умумлаштирилган шаклда аниқланиб, амалий тавсиялар ва таклифлар берилди.

¹⁶ Савицкий И.В. Резьба по дереву. – Ташкент, 1965. – с. 192.

¹⁷ Такташ Р.Х. Жулдасбек Куттымуратов. – Ташкент: Гафур Гулям, 1985. - С. 54.

¹⁸ Ҳақимов А.А. Современная декоративная пластика республик Средней Азии. – Ташкент, 1992. – с. 190.

¹⁹ Алламуратов А. Развитие культуры Каракалпакстана в 70-90-е годы XX века. – Нукус, 1997.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қуйидагилардан иборат:

муаммонинг назарий жиҳатдан аниқ асосланганлиги;

санъатшунослик таҳлили учун муаллиф томонидан музейларда ва устахоналарда сақланаётган дастгоҳли ҳайкалтарошлик асарлари ҳамда маҳобатли ёдгорликларни танланганлиги;

мажмуавий тарихий-қиёсий ва санъатшунослик таҳлилни Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлик санъатига доир илмий манбаларга асосланган ҳолда фойдаланганлиги.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг *илмий* аҳамияти тадқиқотда кўтарилган илмий муаммо ва уларнинг ечими акс этган хулосалар ва янги давр нигоҳи билан белгиланган назарий масалалар талқини кейинги илмий тадқиқотларга туртки бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг *амалий* аҳамияти олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқув қўлланмалари ва маъруза дастурларини тайёрлашда ҳамда музейларда Қорақалпоғистон тасвирий санъати асарларини каталоглаштириш жараёнида қўлланишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг шаклланиши ва ривожига оид олинган илмий натижалар асосида:

миллий ҳайкалтарошлик мактабининг шаклланишига оид маълумотлар ва хулосалардан Нукус кўرғазмалар саройи, ўлка музейида ҳайкалтарошлик экспозицияларини яратишда, намуналарини каталоглаштиришда ҳамда кўрғазмаларнинг илмий концепциясини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2018 йил 4 январдаги 4-сон ва И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейининг 2018 йил 14 мартдаги 01/7-140 - сон маълумотномалари). Тадқиқот натижалари кўрғазмалар саройи ва музейида ташкил этилган ҳайкалтарошлик экспозицияларининг рукн ва мавзуларини, даврий чегараларини илмий далиллаш имконини яратган, сайёҳларга экспонатлар мазмун-моҳиятини очиб бериш ва Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигини кенг тарғиб қилишга хизмат қилган.

Ҳайкалтарошлик асарларининг бадиий хусусиятлари ва етакчи тамойиллари, бадиий-технологик услублар ва халқ амалий санъатининг ўзаро таъсири каби илмий натижалардан, хулосалар ва тавсияларидан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Қорақалпоғистон!”, “Тасвирий санъат оламида”, “Гўзаллик оламида” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда кенг фойдаланилмоқда (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2017 йил 28 ноябрдаги 01 - 02/500 - сон маълумотномаси). Бу маълумотлар Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлик асарларини каталогизация қилиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг маъруза дастурларини ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий, жумладан, 2 – халқаро ва 2 - республика миқёсидаги, анжуманларда илмий муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот предмети ва объекти аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс этирилган, Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилганлиги баён этилган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон хайкалтарошлиги шаклланишидаги дастлабки шарт-шароитлар”** деб номланувчи биринчи бобида, тасвирий санъатнинг дастгоҳли хайкалтарошлик турларининг шаклланиш жараёнлари тарихий-маданий жиҳатдан ўрганилган.

Бобнинг биринчи “Тасвирий санъатнинг шаклланишидаги ижтимоий-маданий омиллар” номли бўлимида Қорақалпоғистонда пластик санъатнинг келиб чиқишидаги қадимий илдизлари тадқиқ этилган, антик ва илк ўрта асрлардаги маҳаллий хайкалтарошлик санъати ривожининг асосий босқичлари кўриб чиқилган. Мазкур бўлимда мусулмончилик даври амалий санъатининг пластик шакллари ва анъаналарининг тавсифи, хусусан, анъанавий ёғоч ўймакорлиги ва қорақалпоқларнинг ўзига хос заргарлик санъатига эътибор қаратилган.

Бўлимда Қорақалпоғистон тасвирий санъати янги шакллариининг вужудга келиш жараёни, Ўрта Осиёдаги ўта муҳим тарихий ўзгаришлар ва маданий трансформациялар кесими (контексти)да кўриб чиқилган. XX асрнинг бошларида бошланган ҳудуд халқларини советлаштирилиши натижасида, Қорақалпоғистон санъатининг ривожланишида янги босқич бошланди: “Ҳудуднинг (Ўрта Осиёнинг) анъанавий тузилмаларида янги ижтимоий-динамик шакллар ва моделлар ҳамда санъатнинг мослашуви жараёнининг ўзига хос жиҳати бўлиб, маданий-географик тавсифдаги –

Шарқ томонидан Ғарбнинг эстетик олами қадриятларини ўзлаштириш борасидаги алоқаси муҳим бўлди. Ўша вақтда вужудга келган атеистик фон, ушбу жараёни жўшқинлаштирди”²⁰. Умуман олганда, позитив ўзгаришлар билан бирга, совет даврида маданиятнинг кескин ғоялашуви юз бериб, анъанавий ахлоқий ва эстетик қадриятлар инкор этилар эди. Шунга қарамасдан, юқорида кўрсатилган тарихий-сиёсий ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар Қорақалпоғистонда тасвирий санъат ўчоқлари яратилиши ва XX асрнинг иккинчи ярмида ҳайкалтарошликнинг ўзига хос мактаби шаклланишига тўртки бўлди. Қорақалпоғистонда тасвирий санъатнинг ривожланиши ўзига хос тарзда кечди. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудуд ва вилоятларида тасвирий санъатнинг шаклланиши ва биринчи миллий рассомларнинг пайдо бўлиши XX асрнинг биринчи ярмида кечган бўлса, Қорақалпоғистонда бу жараён ўтган асрнинг иккинчи ярмида - совет давлати кўшни республикаларнинг амалий тажрибасидан фойдаланган ҳолда ўзига хос ва анча тезкор тарзда кечган.

Нукусдаги бадиий муҳит пайдо бўлишининг салмоқли омилларидан бири - 1950 йилда Қорақалпоғистонга илк бор келган И.В.Савицкийнинг фаолияти билан боғлиқ. Бутун ҳаёти давомида у қорақалпоқ амалий санъатини тўплаш ва ўрганиш билан шуғулланган ҳамда бошқа республикалардан мутахассис рассомларни таклиф этиб, бу ерда тасвирий санъат шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Шунингдек, Қорақалпоғистонга келган рассомлар орасида – Россиядан Ф.Мадгазин, Озарбайжондан Р.Матевосян ва Г.Жеглов, Туркменистондан А.Шпаде ва бошқалар бор эди. И.В.Савицкий ҳамда бошқа ҳамфикр рассомлар ғоявий таъсири остида Қорақалпоғистоннинг биринчи ижодий зиёлилари пайдо бўлди. 1950 йилларнинг охири – 1960 йилларнинг бошларида биринчи миллий бадиий кадрлар – К.Саипов, К.Бердимуратов, А.Атабаев, Ж.Қуттимуродов Тошкентда таҳсил оладилар. Умуман олганда, бу даврда, Қорақалпоғистонда бадиий муҳит шаклланган, хусусан, биринчи ёш ҳайкалтарошлар пайдо бўлишган. 1966 йилда Нукус Давлат санъат музейи очилади. И.В.Савицкий, К.Саипов ва Ж.Қуттимуродовлар (Қорақалпоғистон Рассомлар уюшмасининг биринчи раислари) нинг кўрғазмачилик фаолияти туфайли дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг ривожланиши динамик хусусиятга эга бўла бошлайди.

Бобнинг “1960 йиллар ҳайкалтарошлигининг шаклланиш хусусиятлари” номли иккинчи бўлимда, Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги ривожланишининг анъанавий ёғоч ўймакорлиги билан алоқадорлиги яққол намоён бўлувчи дастлабки босқичи кўриб чиқилган. Ёғоч ҳозирги кунгача Қорақалпоғистон ҳайкалтарошларининг энг асосий ва хуш кўрадиган ашёси бўлиб қолаётганлигини таъкидлаш жуда муҳим. Ушбу материалнинг осон топилиши, унинг пластик ва фактура хусусиятлари, халқ усталари томонидан

²⁰ Хақимов А.А. Современная декоративная пластика республик Средней Азии. – Ташкент, 1992. – с.7.

хар доим кадрланиб келинган ва маиший рўзгор буюмларининг бадий ишланиши, қорақалпоқларнинг халқ амалий санъатида алоҳида ўрин эгаллаган.

Ўйма нақшлар билан безатилган буюмлар, Қорақалпоғистоннинг биринчи ҳайкалтарошларига жуда ҳам яхши таниш бўлган, чунки уларнинг болалик ва ўсмирлик даврларидаги турмуш шароитида ёғочдан ясалган буюмлар етарли даражада кенг тарқалган. Илгари халқ усталари, маиший рўзгор буюмларини тайёрлаш учун ёғочни тайёрлаш ва ишлов бериш технологиясининг кўп асрлик сирларини сақлаб келишган. Ёғоч хар доим, Ўрта Осиёнинг ярим кўчманчи халқлари яшаш жойи – ўтовнинг асоси ва безатилишининг асосий ашёси бўлган. XIX аср – XX асрнинг бошларида, ёғоч ўймакорларининг кўпгина маҳсулотлари ўтов учун мўлжалланган. Эшиклар, ўчоқнинг қопламалари, асбобларнинг қутилари ўйма нақшлар билан безатилган. Шунингдек, мебел, озиқ-овқатларни сақлаш жавонлари, идиш-товоқ тоқчалари ва кўрпалар тахланадиган тагликларга ҳам ўйма нақшлар берилган. Ўйма нақшлар, зооморф, ўсимлик ва геометрик шакллардан таркиб топган. Яшаш жойига кириш эшикларида турли нарсалар – идиш-товоқ, ов қуроллари, қурол-аслаҳалар, оёқ кийимлари, заргарлик буюмларининг тасвирлари учрайди, булар эҳтимол шу ерда тасвирланган нарсани ясайдиган халқ устаси яшашини англаган бўлиши мумкин. Ўймакорлик асоси сифатида ёғочнинг маҳаллий навлари ишлатилган – оқ тол, қора тол, согит (ёки Амударё толи) терак, кегей-терак, наухон, қарағай ва бошқалардан фойдаланилган.

Қадимий қорақалпоқ нақшининг ўзига хос тузилиши ва кетма-кетлик маромлари мавжуд. Маҳаллий ўймакорликнинг оддий техникаси текис ва бир планли бўлган. Баъзи бир тажрибали усталар нақшларни кўллари билан чамалаб, яъни аввалдан чизиб олмасдан ўйиб чиқишган. Лекин, нақшларнинг мураккаб шакллари андаза ёрдамида бостириб чиқилган, бу эса нақшнинг бир-бири билан ягона композицияга уйғунлашиши лозим бўлган алоҳида хусусиятлари билан ҳисоблашишга мажбур қилган. Бундай жараёнлар уларнинг маҳорати ортишига кўмак бериш билан бирга ўзида қорақалпоқ ўймакорлигининг бадий хусусиятларини акс эттирган. Техниканинг уста кўли билан жонли алоқаси, ташқи чизиқлари, шакллар кесмаларининг бевоситалигига олиб келган, қорақалпоқ ўймакорлигига хос бўлган суратнинг алоҳида жўшқинлигининг сири ҳам шунда²¹.

Шаксиз, халқ ўймакорлиги анъаналари XX асрда миллий Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатган. Маҳаллий ҳайкалтарошлар ижоди анъанавий ёғоч ўймакорлигининг пластик жиҳатларига бориб тақалади. Ўз навбатида, қорақалпоқ ёғоч ўймакорлигининг вужудга келиши даштлик кўчманчи

²¹ Савицкий И.В. Народно-прикладное искусство каракалпаков. Резьба по дереву. – Ташкент: Наука, 1965. С. 39.

қабилаларининг таъсирчан ифодаланган пластик санъати билан боғлиқ. Моҳиятан эпик ва жиддий композицион таркибли қорақалпоқ нақшларида услубнинг маҳобатлилиги ва яхлитлиги ҳукмронлик қилади.

Бўлимда Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги асосчилари, унинг йирик усталари – Ж.Қуттимуродов ва Д.Турениязовлар ижодий изланишларининг дастлабки босқичлари таҳлили берилган.

“1970-1980 йиллар Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг етакчи тамойиллари” номли иккинчи бобда, алоҳида усталар жанр-кўринишларининг ўзига хосликлари ва ижодий индивидуаллиги таҳлили асосида, Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигининг асосий тамойиллари ва ўзига хос ривожланиши аниқланган.

Бобнинг биринчи “Маданий меросга мурожаат қилиш асосида этномаданий ўхшашликнинг изланилиши” номли бўлимида ҳайкалтарошларнинг асарларида анъанавий қорақалпоқ маданияти ва халқ оғзаки ижодиётини шарҳлаш контекстида тадқиқ этилган. Тарихий-маданий фараз қилинган мифологик, эпик ва фольклорга оид образларга мурожаат этиш ҳайкалтарошликнинг декоратив ифодавийлиги, мавзунинг фалсафий-мажозий ечими тамойилининг ўсиши, кенг доирадаги киноявий мавзулар ва образларнинг пайдо бўлишида кузатилган. Ҳайкалтарошлар мифологик маъбудлар ва лавҳалар, эпик дostonлар қаҳрамонлари образлари, халқ афсоналари ва шоирона тасаввурлар билан тасвирлаб берилган образларга мурожаат қила бошладилар. Ушбу образларни яратиш жараёнида ҳайкалтарошларда образларнинг истиоравий характерининг мослигини ифодалаб берувчи ўзига хос пластик услуб пайдо бўлди. Мазкур “мифологик реализм”нинг ўзига хос услуби ҳайкалтарошлар томонидан, реал ҳаётдаги оддий инсонларни тасвирлашда ҳам қўлланилган. Натижада, вақт ва бўшлиқнинг аниқлигидан қатъий назар ҳаёт тўғрисида маънавий кечинмалар ва фалсафий мулоҳазаларни ифодаловчи умумлаштирилган бадиий образ яратилган.

Қорақалпоғистон ҳайкалтарошларининг биринчи авлоди орасида, Ж.Қуттимуродов шоирона ҳиссиёти билан алоҳида ажралиб турар эди. У ўзининг асарларида йиғма ва мажозий образларни яратган, яъни уларда медитатив характер сингдирилган. Бунда у ўзининг устози, маҳобатли рангтасвирчи Ч.Ахмаров тасвир услубига мурожаат қилади. Ж.Қуттимуродов яратган ҳайкаллардаги образлар чуқур лирикалилигининг уйғунлашуви билан ажралиб туради. Бу олий даражадаги маълум бир гўзалликни излаш негизида бирлашган ва характерлари турлича бўлган персонажларнинг бир бутун галереяси дир. Ж.Қуттимуродов Нукус Санъат музейида безакчи-рассом бўлиб ишлаганлиги унинг ижодий изланишларида ўз изини қолдирган. Хоразм археологиясига оид ҳайкалларни таъмирлаш асносида, уни ўрганган ва унинг намунасида пластик қолиплаш усулларини ўрганган. Кейинчалик, ижодий тажриба орттирилиши билан унда эътибор мутаносибликларни тўғри

ҳал эта оладиган шахсий, алоҳида услуби шаклланади. Шу билан бирга, Ж.Қуттимуродовнинг ижоди этномаданий мерос билан чамбарчас боғлиқликда бўлган. Унинг ижодида образларнинг умумлаштирилган-шоирона талқинини, қадимий нақшларнинг таъсири ва Ўрта Осиё мифологияси - эпос ва фолклор меросига кенг мурожаат қилишида кузатиш мумкин. Унинг илк асарларида (масалан, “Улкан келин”, 1965-67 йй.) қадимий қипчоқ санамлари – “бал-бал” талқини усулларига хос бўлган хусусиятлар билинади. Бу-портрет, кийим ва бош кийимлари мукаммал ишлаб чиқилиши, персонажларнинг қўллари ҳали материалнинг ичида қолиб, фақатгина режалаштирилаётганлиги билан бирлашади. Бу ажойиб ҳайкалтарош уста ижодининг қадимий маҳаллий бадий анъаналар билан чуқур алоқаси ва унинг фонидан ўзининг ўтмишдаги касбдошларининг шакллари ва пластикасини қайта тиклашга уринишларини яна бир марта тасдиқлайди. 1970 йилда ҳайкалтарош “Нихол” ҳайкали устидаги ишини яқунлайди. Бу ҳайкал натурадан эмас, балки хотираси – музей экспонатларини кўп йиллар давомида кузатишнинг умумий таассуроти остида бажарилган. Ўзининг реаллигида жиддий бўлган гўзалликнинг юксак даражадаги талқинлари, устанинг бир қатор асарлари - “Қиз ва оққуш” (1974-1978 йй.), “Ҳаёт бирдамлиги” (1976-81 йй.), “Балиқларни қутқараётган Анахита” (1981 йй.), “Ўтирган қиз” (1982 йй.), “Учиб кетаётган Ника” (1982 йй.)да намоён бўлди. Аммо ўзининг ҳақиқий классик гўзаллиги билан оқ мрамрдан яратилган “Тўмарис” портрети (1980-82 йй.) алоҳида ажралиб туради.

Бошқа бир нодир ҳайкалтарош - Д.Турениязовнинг ижодий мероси ҳам ўзига хос. Унинг илк асарлари Тошкент, Москва, Югославиянинг шаҳарларидаги кўرғазмаларда намоёиш этилган ва, албатта, санъат танқидчиларининг ижобий баҳоси ва томошабинларнинг илиқ муносабатларига сазовор бўлган. Улар қаторига, 1970 йилларда яратилган асарлар киради: “Шогирмадаги чол”, “Кунжут гули”, “Ўрмон гўзаллиги”, “Кўза кўтарган қиз”, “Сирин қуши”, “Чўпон”, “Гулойим” ва бошқалар шулар жумласидандир. 1977 йилда Белград (Югославия) шаҳрида бўлиб ўтган “Ғарб ва Шарқ тасвирий санъатининг бутун жаҳон кўрғазмаси” декадасида Д.Турениязов ижодий маҳорати - усталигининг тан олиниси катта аҳамиятга эга бўлган эди. Ўша 1977 йилда Д.Турениязов, Москвадаги ХХЮК (ВДНХ)да “Овчи” (1972 йй.) ҳайкали учун бронза медалига сазовор бўлган. Шу тариха унинг асарлари ҳар доим Қорақалпоғистон Санъат музейида доимий экспозицияда намоёиш этиш шарафига муяссар бўлган. Д.Турениязовнинг ижодида ракурсларнинг тезкор мароми ва умумлаштирилган ҳажмларни қўллашда намоён бўладиган динамик пластика хос. Унинг асарлари эпик кенглик, ички ҳиссиёт кучини очиб бера олиши билан ажралиб туради. Мавзуларни у замонавий ҳаётдан ва фольклорнинг инсоний хусусиятлари намоёишларидан олади, шунинг учун кўпинча унинг

образларида табассум, шама ва ҳаттоки, муболаға мавжуд.²² Пластик ифодалиликни излашда, образларида энг муҳим нарсаларни умумлаштирувчи шакллар ёрдамида, ҳайкалтарош аниқликдан воз кечади. Ҳайкалтарош, нафақат мифология ва фольклор, балки реал ҳаётдан олинган, турли пландаги образлар ва сюжетларни яратишга эришди. Унинг образлари шоирона ва юксак интонациялар билан тўла, уларда табиат ва инсоннинг баркамоллиги ҳукм суради. Фольклор образига бағишланган “Ботир” (1979 й.) улкан ҳайкали ўзига хосдир. Ҳайкалтарош инсонийлик хусусиятини меҳрибонликнинг ўзига хос аллегориясида намоён қилган. Образ ички куч ва таассуротли жисмоний баркамоллик билан тўлдирилган.

Бобнинг иккинчи “Тарихий ва замонавий шахсларни талқин этишда пластик ўзгаришлар: образларни маҳобатлаштириш тамойили” номли бўлимида, эпослардаги тарихий персонаж ва қаҳрамонлар каби замонавий – чўпондан тортиб маданият ва фан арбобларигача ўз ичига олган Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги образлари кенг кўламли таҳлил қилинган. Бунда ҳайкалтарошларнинг фақат ўзигагина хос бўлган алоҳида пластик услубини сақланиб қолиниши, пировардида ушбу давр ҳайкалтарошлигидаги композицион ва услубий ечимларнинг хилма-хиллиги таъминланади.

1980 йилларда Ж.Қуттимуродов тошдан ясалган, ички истак ва ҳаракатга тўла динамик композицияларни яратади. Булар унинг унча катта бўлмаган оҳактош бўлақларидан ясаган “Балиқларни кутқараётган Анахита” (1981 й.), “Учиб кетаётган Ника” (1982 й.) каби яланғоч аёл шакллари дир. Бу йилларда, Ж.Қуттимуродов қаҳрамон Фарҳод образига мурожаат қилади. “Фарҳод” (1991й) ҳайкали барельеф техникасида бажарилган ва ўзининг унча катта бўлмаган ўлчамларига қарамасдан, маҳобатли образ хоссаларига эга. Чиниққан тананинг улкан кучи драматик импульсда намоён қилиб берилган бўлиб, у худди кучоғини очиб тутқунликдан чиқишга уринаётган афсонавий қаҳрамоннинг кучини намоён этади. 1980 йилларда Ж.Қуттимуродов аёллар образи орқали табиий офатларнинг аллегорик образларини яратишдаги ўз изланишларини давом эттиради. Шунини таъкидлаш жоизки, Ж.Қуттимуродов ижодида эркаклар образи унчалик кўп эмас (“Арслон”, “Искандар”, “Фарҳод”). У аёллар образининг ҳақиқий шоирона куйчисидир. Ж.Қуттимуродов томонидан яратилган образлар вақтдан ташқаридаги алоҳида бўшлиқда худди ўз ички оламда мужассамлашгандек.

Кўриб чиқилаётган даврда анъанавий ҳаёт, этнографик хусусияти ва этник намуналарга бўлган қизиқиш кучаяди. Ҳаёт ва халқ эстетикасининг анъанавий урфларига асосланган маънавий-фалсафий қадриятлар ва дунёқарашининг поэтикаси борган сари катта қизиқиш ва эътиборни ўзига қарата бошлайди. Ҳайкалтарошларнинг ижодларидаги энг сеvimли қаҳрамонлари бу – донолик ҳақидаги тасаввурлар билан боғланувчи чоллар

²² Хакимов А.А. Современная декоративная пластика республик Средней Азии. – Ташкент, 1992. – с. 19.

образи, шунингдек, бокиралик ва ҳаёт гўзаллиги мажози сифатидаги қизлар ва ёш келинларнинг образларидир. Уларнинг орасида К.Бердимуратовнинг кичик шакллардаги “Муסיқачилар” (1980 й.), “Келин” (1985 й.), А.Алибековнинг “Она ва бола” (1980 й.), Д.Бердимбетованинг “Ҳаёл” (1984 й.), А.Сейтимбетовнинг “Кўза силуэтидаги қиз” (1985 й.), Д.Тажимуратовнинг “Чўпон қиз” (1989 й.) каби думалоқ ҳайкаллари туркуми ва бошқалар бор.

Декоратив пластикада, композиция қурилмалари ва анъанавий мавзуларнинг образли оҳанглари танлашда ўзига ҳос қолиплар шаклланди. Пластик ижоднинг ушбу соҳаси нафақат ҳайкалтарошларнинг, балки кулол-рассомларнинг асарларида ҳам намоён бўлди. Улар орасида, С.Султанмуратовнинг ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг шамотдан ишланган рангли сирланган сопол паннолари шоирона оҳанги ва нозик миллий ранглар уйғунлигига тўла (“Ёшлик” (1976 й.), “Эртақлар” (1976 й.), “Чойхонадаги пинхона суҳбатлар” (1979 й.), “Муסיқачи” (1985 й.). С.Султанмуратовнинг ҳаётини йўл давомийлигининг фалсафий мавзусига бағишланган учлиги (триптих)ни ташкил этувчи ҳайкалчалар шакллари пластик жиҳатдан ифодалидир. Ҳайкалларнинг ҳар бири (“Ёшлик”, “Абадият Худоси”, “Қарилик”)нинг шакли ўхшаш вертикал ҳолатда бажарилган. Пластика ва ранглар изчиллиги ўйинини моделлаштириш ёрдамида, рассом образ тавсифларининг турли пландалиги – кўтаринки дабдабалиликдан сўзсиз индамасликгача эришган.

Қорақалпоғистоннинг ушбу давр маҳобатли ҳайкалтарошлиги давлатнинг мафкуравий талаблари доирасида ривожланган. Ўша йилларда, образ-эмоционал таъсир салоҳияти билан эмас, балки меъмуриал аҳамиятга эга бўлган жуда кўп маҳобатли бюстлар – шоирлар, олимлар ва маданият арбобларига атаб яратилган. Мавзунинг дидактик талқини билан Нукусдаги Пионерлар уйининг фасади учун яратилган “Орзу” барельефи ажралиб турган (ҳайкалтарошлар Д.Тажимуратов, И.Жолимбетов, А.Ходжаев, М.Бердимбетов, 1988 й.). Ушбу динамик композиция маънодорликнинг янги пластик воситаларини излаш, шаклий масалаларни қўйиш нуқтаи назаридан ҳам қизиқарлидир. Биринчи профессионал маҳобатли ҳайкалтарош – Д.Бердимбетованинг ижодини алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Унинг “Тошкент” меҳмонхонаси (Нукус, 1979-80 й.) ресторанининг интерьерини учун яратган “Ҳаёт боғи” барельеф панносида горизонтал очиб берилган композицияда фольклор образлари, яъни муסיқачилар – мевали дарахтларнинг соясида халқ чолғуларини чалаётган қиз ва йигитлар тасвирланган. Лекин, Д.Бердимбетованинг кўпчилик эскизлари амалга оширилмаган эди. Уларнинг орасида, қорақалпоқ эпоси мавзусидаги “Қирқ қиз” (1978 й.) ёдгорлиги кўп шаклли лойиҳаси бор. Лойиҳанинг сақланиб қолган гипс ва тупроқли эскизларида, у улкан истиқболли (кўп планли) рельеф сифатида ўйланган. Амазон-қизлар мавзуси ушбу эскизларда тантанали кўринадиди, муаллиф,

маҳобатли ҳайкал образлари тизимида қахрамонлик пафоси ва тарихий ҳақиқатни синтезлашга эриша олган. Амазонкаларнинг етакчиси – “Тулойим” (1978 й.) буюсти шоирона ечимнинг юксаклиги билан ажралиб туради.

Умуман олганда 1970-80 йиллар ҳайкалтарошлик тараққиётидаги энг маҳсулдор, ижодий ишлар ва ҳодисаларга бой давр бўлган. Бу даврда миллий ҳайкалтарошликнинг шаклланиши фаоллашди, дастгоҳли ҳайкалтарошлик ва безак пластикаси жадал ривожланди, жанрда ва пластикада хилма-хиллик кузатилади, бу даврда ҳайкалтарошларининг Қорақалпоғистондан ташқаридаги кўргазмалардаги иштироклари фаоллашди. Ўрганилаётган даврда маҳобатли ҳайкалтарошлик давлат буюртмалари асосида яратилар ва асосан ягона қолипга бўйсунар эди. Дастгоҳли ҳайкалтарошлик ҳам жадал суръатларда ривожланган бўлиб, у ўзининг бадиий-эстетик мухториятини сақлаб қолишга эришди. Дастгоҳли ҳайкалтарошлик усталарининг ишларида инсоннинг ички дунёсини, унинг руҳий кечинмалари ва кайфиятини ифодалашга интилишни кўришимиз мумкин. Шуниси қизиқки, айнан дастгоҳли ҳайкалтарошликда образларни маҳобатлаштириш, қахрамонларнинг ва афсонавий сюжетларнинг шавқи, ракурслар экспрессияси, материалларнинг пластик ишлов жараёнида ифода воситаси сифатида ҳажмларининг сақланиши тамойиллари кўзга ташланади.

1970-80 йиллардаги Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигида макон ва замоннинг аниқ кординаталари мавжуд эмаслиги, “абдий мавзулар” ва “бегона лавҳалар”нинг турли кўринишларини мослаштириш каби жиҳатлар хос бўлиб, улар халқ фольклори ва эпосларидан озиқланар эди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигида маданий қахрамон ва замондошлар мавзуси ўзини намоён этди.

Диссертациянинг **“1990-2010 йиллар Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлиги ривожининг ўзига хослиги”** номли учинчи бобида мустақиллик даври ҳайкалтарошлиги ривожига асосий тамойиллар ва муаммолар ўрганилган.

Бобнинг “Мустақиллик даври дастгоҳли ҳайкалтарошлиги ривожининг ғоявий-пластик жиҳатлари”, деб номланган биринчи бўлимида Қорақалпоғистон дастгоҳли ҳайкалтарошлигининг мавзу ва услубга доир хусусиятлари ўрганилган, мустақиллик даври Қорақалпоғистон маҳобатли ҳайкалтарошлигининг образлар тизими ва пластик услубини яратишдаги ўрни аниқланган. Маҳаллий дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг ривожланиш хусусиятлари, умумий, тарихий-маданий характери, ҳайкалтарош усталарнинг шахсий изланишлари билан боғлиқлик сабабларига эътибор қаратилган.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Андижоннинг тасвирий санъати усталарининг ижодий изланишларидаги кескин ва қатъий бурилишлар мухитидан фарқли ўлароқ, Қорақалпоғистон дастгоҳли ҳайкалтарошлиги

